

ЎзДЖТУ хузуридаги
РИАИМ

Ўқув-услубий
мажмуа

Япон тили йўналиши:
Тингловчилари учун

Ўқув-услубий
мажмуа

2019

Филология ва тилларни ўқитиш:

Япон тили

Шарқшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг
тизимли ёндашувлари

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

**ЎзДЖТУ проф,
филол.ф.д. Г.И .Халлиева**

Такризчи:

**ЎзДЖТУ доценти ,ф.ф.н.
С.Султонсаидова**

Ўқув -услубий мажмуа ЎзРИАИМ Кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 9 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР	4-9
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10-11
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15-22
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	23-26
V	ГЛОССАРИЙ	27-28
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ	29-30
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	31-33

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни жамият ривожи ва таълим–тарбия жараёнининг инновацион масалалари, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш

бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

“Шарқшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган. Хозирги кунда ҳар бир раҳбар ходим ва профессор-ўқитувчилар шарқшуносликнинг замонавий ютуқлари билан таниш бўлиши ва уларни назарий ва амалий қўллай билиши лозим.

Ушбу дастурда шарқшуносликда тизимли таҳлилнинг замонавий зарур жабхаларидаги ютуқлар баён этилган. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида илмий ишларни энг замонавий даражада олиб бориш, талабаларни ҳам охириги ютуқлар доирасида ўргатиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Шарқшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари” модулининг **мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини шарқшуносликда тизимли таҳлил ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, назарий ва эмперик таҳлил ҳамда тадқиқот услубларини амалда қўллаш, шунингдек, уларда шарқшуносликда тизимли таҳлил тўғрисида кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

“Шарқшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари модулининг **вазифалари:**

- шарқшуносликда тизимли таҳлил соҳасидаги замонавий ҳолат билан таниш бўлиш;

- тингловчиларда назарий таҳлил ва математик тадқиқот услубларини амалда қўллаш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;
- шарқшуносликда тизимли таҳлил методларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Курс якунида тингловчиларнинг модул бўйича билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Шарқшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- тизимли таҳлил асосларини ва уларни ўз ўрнида қўллаш методларини;
- шарқ тилларини ўқитишнинг назарий асосларини;
- шарқ тилларининг коммуникатив ёндашувда ўқитиш асосларини;
- таълимни турли нутқ кўникмаларини ривожлантиришга йўналтиришни;
- шарқ тиллари таълимида баҳолаш ва унинг мезон ва меъёрларини;
- шарқ тиллари таълимида баҳолаш турларини;
- шарқ тиллари таълимида CEFR тамойилларининг ўрнини;
- баҳолашда лингвистик ва маданиятлараро компетенцияларни ҳисобга олиш тамойиллари;
- шарқшунослик соҳасидаги янгиликлар, давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришларнинг таълим системасига таъсири масалаларини **билиши керак.**

- Тингловчи:

- Таълимни ташкил этиш принциплари, таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари, таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиш воситалари, ўқитиш жараёнида ишлатиладиган техник-дастурий воситаларнинг турлари, таълим жараёнида барча воситалардан тизимли фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур.

- **Тингловчи:**

- Шарқ филологияси бўйича машғулотларни ташкил этишда тизимли таҳлил методларидан кенг фойдаланиш, тизимли ёндашув имкониятларидан фойдалана олиш бўйича **малакаларини эгаллаши** лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Шарқшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг тизимли ёндашувлари” модули мазмуни ўқув режадаги шарқшуносликнинг бошқа модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар шарқшунослик соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш, илмий-тадқиқотда инновацион фаолият олиб бориш каби касбий компетентликка эга бўладилар

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назай	Амалий машғулот	
1.	Тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари.	2	2	2		
2	Шарқшуносликда тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.	2	2		2	

3	Илмий ижод ва тизимли таҳлил.	2	2		2	
	Жами: 6 соат	6	6	2	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза: Тизимли таҳлилнинг мақсад ва вазифалари

Модулнинг мақсад ва вазифалари. Тизим тушунчаси ва унинг турлари. Педагогик тизимнинг функционал шарҳи. Тизимли таҳлил услуби ва методологияси. Тизим ости унсур(элемент)ларни алоқадорлик даражасини белгилаш. Тизимли таҳлилни амалга ошириш шартлари. Тизимли таҳлилда муаммони белгилаш ва моҳиятини очиш. Ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий тизимларнинг классификацияси. Педагогик тизим ижтимоий тизимнинг тизимостиси сифатида. Педагогик жараёни бошқариш. Диагностика. Прогноз. Билиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Шарқшуносликда тизимли ёндашув ва тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Тизимли таҳлилда метод масаласи. Тизимли таҳлилга оид ёндашувлар: формал ва тушунчавий ёндашув, мажмуавий ёндашув, интеграцион ёндашув, вазиятли ёндашув, меъёрий ёндашув, функциоал ёндашув. Тизимли ёндашув ва унинг шаклланиш босқичлари. Билиш ва унинг турлари. Индукция. Дедукция. Хусусий методлар.

2-мавзу: Илмий ижод ва тизимли таҳлил

Методология ва тизимли таҳлил методологияси тушунчалари. Онгли ҳаракатни амалга оширишни англаш. Аниқ педагогик ҳолат(вазият)ни ўрганиш. Мақсадни шакллантириш. Мақсадни илгари суриш. Қарорни тайёрлаш. Қарорни илгари суриш учун ресурсларни инобатга олиш. Бошқарув фаолиятининг режасини ишлаб чиқиш. Режани бажариш учун шарт-шароитларни яратиш. Режани амалиётга қўллаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш)

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Муаллиф, ҳикоячи ва персонаж нутқини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

S	Эпик турнинг жанрлаирда муаллиф нутқидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Бадий асарнинг ғоясига бевосита боғлиқ бўлган воқеаларнинг ҳикоя қилиниши
W	Кичик эпик тур жанрларда ҳикоячи нутқидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Қисқа эпизодларда иштирок этиши

О	Драматик асарларда персанаж нутқидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Барча персанажларнинг ўз нутқи диалог ва монолог шаклида берилиши
Т	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотларнинг тўлақонли таъминланмаганлиги...

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Тил шакллари					
Адабий тил		Бадий тил		Халқ жонли тили	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиг и
Хулоса:					

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: АДАБИЁТ - МИЛЛАТ ОЙНАСИ

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

- 1.1. Тизимли таҳлил тушунчаси.
- 1.2. Тизимли таҳлилнинг вазифалари.
- 1.3. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил.
- 1.4. Илмий йўналишларни ва мавзуларни тизимли танлаш ва шакллантириш.

Таянч иборалар: “изоҳ”, “шарҳ”, “таҳлил”, “тизим”, тизимли таҳлил, тизимли ёндашиш, бошқарувчанлик вазифаси, тизим модели, тизимли алоқадорлик, диагностик вазифаси, огоҳлантирувчи, билиш вазифаси, педагогик фаолият.

1.1. Тизимли таҳлил тушунчаси.

Ижтимоий ва маиший ҳаётда юзага келадиган турли ҳодиса ва воқеаларнинг ифодаланишига, жараёнларнинг юзага келиши ва кечишига (динамикасига) эътибор қаратсак, уларнинг замирида таълим-тарбия, аниқроғи, унинг ҳосиласи сифатида бирон бир хулқ модели намоён бўлишини кузатиш мумкин. “Бу масалага педагогик фаолиятнинг манфаати нуқтаи назари билан қараганда, таълим-тарбия бериш жараёнида профессорўқитувчилар қатор вазифаларни бажариши кузатилади. Бу вазифаларнинг муҳимлари сифатида - ахборот бериш, **дунёқарашни** шакллантириш, ҳаёт йўлини танлашни ўргатиш, маданийлаштириш, мулоқотга тайёрлаш (жумладан касбий), мақсадни шакллантиришни ўргатиш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин” 4 . Юртбошимизнинг ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан билдирган табрик нутқида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, жумладан: “Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон - қаерда ишламасин, қандай касбу - кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган мухтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлиғини бағишлаб, барчамизга

эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди” деб таъкидлаган.

1.2.Тизимли таҳлилнинг вазифалари

Талаба (тингловчи)ларни фақатгина ўқув фаолиятини эмас, балки уларни ўзларини намоён этиш, дарсга ва атрофдагиларга бўлган муносабатини, интилишларини, қизиқишларини, эътиқоди ва таълимга бўлган муносабатини ҳам ўрганиб боришади. Бунда улар асосан кузатув, суҳбат (диагностик), контент таҳлил (ёзма назорат ишларини шарҳи), экспертча сўров (бошқа устозларнинг фикрини инобатга олиш (билиб олиш)), фаолият маҳсулини ўрганиш (ижобий ёки салбий хулқ моделини ўрганиш) каби усуллардан фойдаланиб, таҳлилни амалга ошириб, галдаги касбий вазифаларни белгилаш (касбий даражада қарор қабул қилиш) учун ахборот жамлайди. Ахборот алоҳида педагогик вазият, педагогик фаолият, шахсий ёки таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти, шахсига, тингловчилар жамоасига тааллуқли бўлиши мумкин. Ахборот муаммога оидлиги бўйича шарҳланади, хулоса ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилади. Бундан кўзланган мақсад тўғри қарор қабул қилиш жараёнини таъминлашдан иборат. Кўрининиб турибдики, педагогик фаолиятда турли мажмуавий хусусиятлари билан таҳлил алоҳида ўрин тутади. “Таҳлил алоҳида илмий тайёргарликни, турли илмий услубларни мақсадли танлаш ва ўринли қўллаш, ўрганилаётган муаммо бўйича билимга эга бўлишни талаб этувчи фаолиятнинг мураккаб туридир”. Бугунги кунга қадар таҳлилнинг барчага мақбул бўлган, яъни унверсал модели яратилмаган (яратилиши ҳам мумкин эмас), аммо шунга қарамай жамият доирасида турли даражаларда таҳлил ва қарор қабул қилиш учун муҳим ҳисобланган таҳлилий манбаларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Касбий мулоқот давомида “таҳлил”, “изоҳ”, “шарҳ”, “талқин” каби тушунчалар кўп қўлланилади, бироқ уларнинг моҳиятига

доимо ҳам эътибор қаратилмайди. “Изоҳ” тушунчаси, биринчидан, сўз, ибора, воқеа-ҳодиса ва бошқага бериладиган тушунтириш, шарҳ, тавсиф (масалан: сўз маъносининг изоҳи, қонун моддасининг изоҳи, шарҳи) кабиларни англатади. Аниқ контекстга (матнга) унинг айрим жойларига киритилган ёки муҳокама қилинаётган масалага берилган қўшимча маълумот, тушунтириш, эслатма, уқтириш маъноларини ифодалайди. Шарҳ эса тушунтириш, изоҳлаш, тавсифлаш, эслатма кабиларни билдириб, бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиқ бериш, тушунтириб бериш, изоҳлашдир.

Таҳлил, тарқатиш, ёзиш, текшириш, суриштириш, ҳал қилиш, очиш деган маъноларни билдирсада, унга қуйидагича муносабат билдириш мумкин: таҳлил, мураккаб тафаккур операцияси ҳисобланиб, унинг ёрдамида предмет ва жараёнлар (ҳодисалар) аниқ ўлчов бирлигига эга бўлган усуллар воситасида яхлит тарзда ёки алоҳида қисмларини турли белги ва хусусиятлари бўйича алоқадорлик даражасини белгилаб беради. Кўрсатишича, таҳлил тушунчаси қуйидаги таснифларга эга:

1. Нарса, ҳодиса ва шу кабиларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши;
2. Бирор нарса, маълумот ва шу кабиларни маълум нуқтаи назардан ўрганиш, баҳолаш;
3. Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш.

1.3. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил

Педагогик фаолиятни такомиллаштиришда таҳлил амалий мазмун касб этиб, таълим-тарбиянинг сифатини таъминлаш учун хизмат қилади. Юзага келган педагогик муаммонинг (масалан, педагогик низо) сабабларини аниқлаш, уни кечишининг даврийлигини билиш учун,

низонинг вужудга келишига таъсир кўрсатган омилларни, бунда аввало қайси қонуниятларга (улар табиий ёки сунъий бўлиши мумкин) амал қилинишини билиш лозим бўлади. Таҳлил, интеллектуал фаолиятнинг юқори босқичи ҳисобланиб, ҳодиса, жараён (жумладан педагогик жараёни), рақам ва далилларни алоқадорлик даражасини белгилаб беришда намоён бўлади. Таҳлил, фаолият шакли сифатида ривожланиб, бугунги кунда таҳлилнинг турли шакли ва таҳлилнинг турли усуллари вужудга келди. Негаки, ҳар қандай муаммони, шу жумладан педагогик фаолият доирасида вужудга келадиган “X-визият”ларни конструктив кечишини таъминлаш учун таҳлил амалий аҳамият касб этади. “Инсонлар ҳамма вақт жамият ҳаётида содир бўладиган турли воқеа ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш масаласи билан қизиқиб келишган. Даставвал, бунинг учун, воқеа ҳодисалар шаклан қиёсланиб, уларнинг мазмун ва моҳиятига кўп ҳам эътибор қаратилмаган бўлиши мумкин. Бу барча интилишлар ҳаёт давомида пайдо бўладиган турли тўсиқларни бартараф этиш, пайдо бўлган муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида амалга оширилганки, уни биз шартли равишда таҳлилий фаолият шаклланишининг биринчи босқичи деб кўрсатсак хато қилмаган бўламиз” деб муносабат билдирган.

Тизимларни тавсифлашда уларнинг турли жиҳатларига эътибор қаратилади, тизимни тавсифлашда қуйидаги босқичларга амал қилинади:

Функционал тавсиф босқичи, бунда алоҳида функциялар кўриб чиқилади, яъни тизим фаолиятининг алгоритмларига эътибор қаратилади. Функция деганда, мақсадга етакловчи хоссалар назарга тутилади. Бунда функционал ёндашув асосида тизимнинг бажариладиган функциялари баҳоланади. Тизимнинг фаолиятмандлигини аниқлаш тизим ҳолатини белгилаш, тактизимларни бошқариш қонуниятларини белгилаб олиш учун имконият яратади.

1.4. Илмий йўналишларни ва мавзуларни тизимли танлаш ва шакллантириш

Илмий тадқиқотлар билишнинг илмий тамойиллари ёрдамида конкрет объектни ўрганиш мақсадида олиб борилади. Ушбу соҳада илмий йўналиш, илмий муаммо ва илмий мавзу каби тушунчалар мавжуд.

Илмий тадқиқот ишларига киришишдан олдин унинг методларини, шакллари, воситаларини тўғри танлаб олиш ва методикани илмий асослаш лозим. Илмий тадқиқотлар муаммони юзага чиқариш, мавзунини танлаш ва маълум бўлган маълумотларни объектив таҳлили учун ахборотни излашдан бошланади. Ахборотни излашдан сўнг илмий изланишларга ўтилади, яъни илмий ижодга киришилади. Бунда шахснинг эвристик фаоллиги янги назарияни яратишга олиб келади.

Илмий тадқиқот – фаннинг мавжудлик шаклидир. Фаннинг ривожланиши далилларни йиғиш, ўрганиш ва тизимлаштириш, мантиқан текис илмий қонунни яратиш мақсадида айрим ва алоҳида қонуниятларни умумлаштириш ва очиб беришдан бошланади. Билишнинг алоҳида поғоналари диалектикаси тадқиқот фаолиятининг турли шакллари таҳмин қилади. Улар эса шартли равишда ахборотли ва илмий изланишларга бўлинади. Ушбу шаклларга илмий билишнинг икки даражаси, яъни эмпирик ва назарий даражаси мос келади. Эмпирик даража босқичида маълумотлар тўпланади, назарий даража босқичида улар илмий назарияга синтез қилинади.

Илмий йўналиш деб, фаннинг муайян тармоғида жамоавий тарзда бажариладиган йирик фундаментал, назарий ва амалий масалаларни ҳал этишга бағишланган илмий тадқиқот соҳасига айтилади. Илмий йўналиш комплекс муаммолар, мавзулар ва масалалар каби тизилмавий бирликларга эга.

Илмий муаммо ва илмий мавзу. Илмий билиш муаммони ҳал қилиш билан боғлиқдир. Муаммоларнинг бўлмаслиги тадқиқотларнинг тўхтаб қолиши ва фаннинг бир жойда қотиб қолишига олиб келган бўлар эди. Муаммо деб тадқиқот этишни талаб этадиган мураккаб илмий масалага айтилади. Муаммо

эски билимлар билан эмпирик ва назарий тадқиқотлар асосида топилган янги билимлар орасида зиддият пайдо бўлганда вужудга келади, яъни у муаммовий вазиятнинг натижасидир. Комплекс муаммолар деб бир илмий йўналишдаги бир қанча йирик масалаларни ўз ичига олувчи муаммолар мажмуасига айтилади.

Илмий мавзу деб тадқиқот этишни талаб қилувчи муаммоларнинг муайян соҳасини қамраб олувчи илмий масалага айтилади. У муаммонинг аниқ бир соҳасига қарашли анча майда илмий масалаларга асосланади, унда қўйилган масалани ҳал этишда муайян тадқиқот вазифаси ечилади. Масалан, янги материални ёки янги конструкцияни яратиш, аниқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун илғор технологияни ишлаб чиқиш ва ҳоказо. Илмий муаммо ва мавзунини танлаш мураккаб масаладир. У бир нечта босқичда ўз ечимини топади.

Муаммовий вазиятдан келиб чиққан ҳолда муаммо таърифланади ва кутилаётган натижа белгиланади. Муаммонинг долзарблиги, унинг фан ва техникани ривожлантиришдаги аҳамияти аниқланади. Муаммонинг структураси тузилиб, ундаги мавзулар, кичик мавзулар, масалалар ва улар орасидаги боғланиш аниқланади. Натижада, “муаммо дарахти” ясалади. Шундан сўнг тадқиқотчи илмий мавзунини танлашга киришади.

Илмий мавзуга қуйидаги талаблар қўйилади:

Мавзу долзарб бўлиши ва ҳозирги пайтда тадқиқот этишни талаб қилиши лозим. Маълумки, тадқиқотлар фундаментал ва амалий характерда бўлиши мумкин. Фундаментал тадқиқотларнинг долзарблигини аниқлаш мезони мавжуд эмас, чунки уларнинг натижаси келгусида бўлиши мумкин. Шунинг учун фундаментал мавзуларнинг долзарблиги ҳақидаги фикрларни йирик олимлар ёки илмий жамоа белгилаб беради. Амалий тадқиқотларнинг долзарблиги ишлаб чиқаришнинг муайян тармоғини ривожланиш даражаси ва иқтисодий самарадорлик талабларига кўра белгиланади. Мавзу янги илмий масалани ечишга қаратилган бўлиб, унда, албатта, илмий янгилик бўлиши керак. Иқтисодий самарадорлилик ва

аҳамиятлилик даражаси. Бунда амалий тадқиқотлар учун тахминий иқтисодий самарадорликнинг миқдори аниқланади, фундаментал тадқиқотлар учун эса ушбу мезон аҳамиятлилик мезони билан алмаштирилади. Мавзу жамоа бажараётган илмий йўналишга мос тушиши керак, шундагина илмий жамоа малакаси ва ваколатидан тўлиқ равишда фойдаланиш имконияти туғилади, уни сифатли ва юқори назарий даражада бажарилиши учун замин яратилади, бажарилиш муддати камаяди. Жорий этилиш мавзунинг муҳим тавсифи бўлиб ҳисобланади, мавзу танлашда режа асосида муддатда тугатиш ва жорий этилиш имкониятлари белгилаб олинishi керак. Бунинг учун тадқиқотчи ишлаб чиқаришнинг шу кунги ҳолати ва келгусидаги талабларидан хабардор бўлиши керак. Мавзунини танлаш жараёнида мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги адабиёт манбаларини ўрганиш, яъни ахборот излаш вазифаси ҳам бажарилади.

Кейинги йилларда мавзунини танлашда эксперимент баҳолаш усули кенг қўлланилмоқда. Бу усул бўйича режалаштирилаётган мавзу мутахассис-экспертлар томонидан баҳоланади. Ҳар бир эксперт мавзунини тегишли талаблар асосида баҳолайди, бунда энг кўп балл тўплаган мавзу мақбул деб топилади.

Назорат саволлари:

1. Тизимли таҳлил деганда нимани тушунасиш?
2. Педагогик вазиятни тизимли ўрганишдан кўзланган мақсад нимадан иборат?
3. Тизимнинг вазифалари нималардан иборат?
4. Педагогик тизимнинг мақсад ва вазифаларини ажрата оласизми?
5. Тизим тушунчасининг моҳитини биласизми?
6. Тизим остилар деганда нимани тушунасиш?
7. Номаълум (X-педагогик) вазият деганда нимани тушунасиш?
8. Тавсиф ва шарҳ тушунчаларини қиёсий таҳлилинини амалга ошираоласизми?

9. Тизимнинг структураси деганда нимани тушунасиз?
10. Тизимларни қандай турлари бор?
11. Педагогик тизимнинг тизимостиси деганда нимани тушуниш лозим?
12. Моделни қандай турлари бор?
13. Тизимости алоқадорлик деганда нимани тушунасиз?
14. Тизимли таҳлилнинг мақсади нимадан иборат?
15. Тизимли таҳлил усулининг вазифаларини шарҳлай оласизми?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Шарқшуносликда тизимли ёндашув ва тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Ишдан мақсад: Шарқшуносликда тизимли ёндашув ва тизимли таҳлилни амалга ошириш методларини билиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

1-вазифа Сиз ўз илмий ишингизни қайси илмий тадқиқот методлари асосида олиб бораёсиз? Мисоллари билан аннотация ёзинг

2-вазифа. Ўз илмий ишингиз бўйича тизимли ёндашиб, 2 та объектни қиёсий метод асосида таҳлил ва тақдимот қилинг.

Тахминий мавзулар:

1. Араб ва ўзбек тилида сифатлар.
2. Хитой ва ўзбек тилида ҳурмат шакли
3. Умар Хайём: оригинал ва таржима
4. Одиссея ва Алпомиш достони
5. Форс ва ўзбек мумтоз шеърларида антик образлар
6. Ғарб ва Шарқ адабиётида аёл мақоми

АХБОРОТ: Илмий тадқиқот методлари.

Маълумки, методология илмий тадқиқот методлари ҳақидаги таълимотдир. Барча фанларда илмий тадқиқот методлари эмперик ва назарий методларга бўлинади. Айнан эмперик ва назарий методлар асосида ҳар бир фан, жумладан, адабиётшунослик ҳам ўз тадқиқот усулларини шакллантиради. «Тадқиқот методларисиз бирорта фан ҳам ўз мақсадига (стратегиясига), тадқиқот объектининг моҳиятини очишга эриша олмайди. Чунки у ёки бу фаннинг табиат ва жамият ходисаларини аниқлаши, уларга хос қонуниятларни топиши, улар ҳақида илмий-фалсафий ғоялар чиқариши, шакл-шубҳасиз, муайян методлар орқали амалга ошади»¹

¹ Расулов Р. Умумий тилшунослик. Тошкент. 2010. -Б.291

Эмпирик метод кузатиш ва тажриба ўтказиш билан боғлиқ бўлиб, **режалаштириш, тавсифлаш, статистика** каби босқичлардан иборат.

Назарий методларга эса анализ, синтез, абстракция, индукция, дедукция, аналогия моделлаштириш кабилар мансубдир:

1. Анализ – таҳлил
2. Синтез –хулосалаш
3. Абстракция –мавҳумлаштириш (*мавҳум тушунчалар билан ишлаш: дўстлик, гузаллик, садоқат*)
4. Индукция - умумийликдан хусусийликка ўтиш
5. Дедукция- хусусийликдан умумийликка
6. Аналогия-ўхшаш хусусиятлар таҳлили
7. Моделлаштириш -модел яратиш (*прототип яратиш: мас: оламнинг бадиий модели, дарсликнинг электрон модели*)

Назарий методларнинг барчаси қуйидаги босқичлардан ўтади:

- қиёслаш;
- умумлашириш;
- таснифлаш (классификация);
- баҳолаш.

Эмперик ва назарий методлар асосида ҳар бир фан ўз тадқиқот усуллари шакллантиради. **Шарқ филологиясидаги асосий тадқиқот усуллари:**

- Қиёсий -тарихий
- Қиёсий –чоғиштира
- Биографик
- Социологик
- Структурал
- Лингвопозетик
- Герменетик
- Мифопоэтик

Таърифлари:

Қиёсий -тарихий – объектни қиёслаш орқали тадқиқ қилиш усули.

Қиёсий –чоғиштира - манбани ўзга тил ёки адабиёт билан таққослаш.

Биографик- тадқиқот манбаи таҳлилида биографик фактларга таяниш.

Социологик метод - тил ёки адабиётга ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашиб таҳлил қилиш.

Структурал метод - объектни барча элементларини майдалаб ўрганиш ва бу орқали уларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ қилиш.

2-мавзу: Илмий ижод ва тизимли таҳлил

Ишдан мақсад: Илмий ижод қонуниятларини англаб етиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

Ишни бажариш учун намуна.

- 1-вазифа. ОЎЮ” (“ВУЗ”) тизими нима? Тизим ичидаги ташкил қилувчилар ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд? Аннотация тайёрланг.

2-вазифа Илмий ишингизнинг мақсад ва вазифалари, долзарблиги ва янгилиги акс этган тақдимот тайёрланг.

АХБОРОТ: Тизимли таҳлил ҳақида.

Ҳар қандай объект тизимдан ТИЗИМ эса уни ташкил қилувчилардан иборат ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ бирор муаммони ечишга қаратилган, маълум босқичлардан иборат бўлган илмий методология. ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ тизимли таҳлилни амалга ошириш методи. ФАН ТАРИХИДА А. А. Богданов ва Л. Бертуланфи (XX аср) тизимли ёндашувни биринчи бўлиб илмий тафаккур усули сифатида эътироф этишган. СИСТЕМОЛОГИЯ тизимли таҳлил методологияси ҳақидаги фан. Тизимлилик, тизимли ёндашув, тизимли тафаккур фаннинг барча соҳаларида мавжуд тушунчалардир.

ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИШДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ
БОСҚИЧЛАРИ:

- Тадқиқот объекти- система
- Муаммонинг долзарблиги
- Мақсад
- Тадқиқот методлари
- Янгилик
- Натижа

ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛда анализ ва Синтез энг муҳим тушунчалардир. Анализ- бутун бир системани қисмларга ажратиб таҳлил қилиш. Синтез- қисмларни йиғиб, бир бутун ҳолатга келтириш, натижа олиш, кўрилаётган муаммонинг янги моделини яратиш.

Назорат саволлари

1. Комплекс муаммолар деганда нимани тушунасиш?
2. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар.
3. Магистрлик диссертацияси адабиёт шарҳи қисмида нималар ёритилиши лозим?
4. Диссертация нима?
5. Магистрлик диссертациясининг бакалавр битирув ишидан ва докторлик диссертациясидан фарқи нима?
6. Мавзунинг долзарблиги қандай мезонлар орқали аниқланади?
7. Илмий ишлар натижаларини нашрга тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш зарур?

V. КЕЙСЛАР

«OLTITA ShLYaPA» usuli
(Edvard de Bono texnologiyasi)

«OLTITA ShLYaPA» texnologiyasi tinglovchilarni loihalashda innovasion g'oyalarini ishlab chiqish va baholash texnologiyasi. Nima uchun shlyapalar tanlanadi? Oltita shlyapaning har biri alohida rangga ega bo'lib, bu rang shlyapalar ega uchun o'ziga xos vazifa yuklaydi. Har bir shlyapa rangi mushohada va faoliyatning alohida faoliyat turiga ishora qiladi.



- **Axborot. Savollar.** Qanday axborotga egamiz? Qanday axborotga ehtiyojimiz bor?



- **Hissiyotlar.** Intuisiya, hissiyot va sezgi. Hissiyotlarni asoslash shart emas. Ushbu masala yuzasidan qanday his-tuyg'ular uyg'onayapti?, degan savolga javob berish kerak.



- **Ustunliklar.** Qanday ustun jihatlari, afzal tomonlari bor? Nima uchun shu ishni qilish kerak? Qanday foyda keltiradi?



- **Ehtiyotkorlik.** Mushohada. Baho. Bu haqiqatmi? Ish beradimi? Kamchiliklari nimada? Nimasi noto'g'ri?



- **Ijodiyot.** Turli g'oyalar. Yangi fikrlar. Takliflar. Imkoniy qarorlar va xatti-harakatlar. Qanday yana alternativ yechimlar bor??



- **Mushohadani tashkil etish.** Mushohada haqidagi mushohada. Biz nimaga erishdik? Yana nima ish qilishimiz kerak?

Keys topshirig'i: Matnni o'qing va o'zbek tiliga tarjima qiling. Hikoyat qahramoni maymunlarni o'z uyida olib qolish uchun tutgan yo'li muhokama eting va o'z fikringizni asoslang

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	шарҳи
Система	(юнонча қисмлардан иборат яхлит бирикма) – бири-бири билан боғланган ва ўзаро таъсирлашувчи элементларнинг яхлит тўпламидир
Тизимли таҳлил	бирор муаммони ечишга қаратилган, маълум босқичлардан иборат бўлган илмий методология. тизимли таҳлилни амалга ошириш методи.
Тизимли ёндашув	бутун бир системани қисмларга ажратиб таҳлил қилиш.
Анализ	бутун бир системани қисмларга ажратиб таҳлил қилиш
Синтез	қисмларни йиғиб, бир бутун ҳолатга келтириш, натижа олиш, кўрилаётган муаммонинг янги моделини яратиш
Моделлаштириш	модел яратиш (<i>прототип яратиш: мас: оламнинг бадий модели, дарсликнинг электрон модели</i>)
Системология	тизимли таҳлил методологияси ҳақидаги фан.
Қиёсий –тарихий метод	объектни қиёслаш орқали тадқиқ қилиш усули.
Қиёсий – чоғиштира	манбани ўзга тил ёки адабиёт билан таққослаш методи.
Биографик метод	тадқиқот манбаи таҳлилида биографик фактларга таяниш

Социологик метод	тил ёки адабиётга ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашиб таҳлил қилиш
Структурал метод	объектни барча элементларини майдалаб ўрганиш ва бу орқали уларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ қилиш усули
Илмий метод	(юнон. метод – йўл, тадқиқот, текшириш) – муайян қоидалар, усуллар, англаш меъёрлари, баҳолар ёки амаллар
Алгоритм	(лот. algorithmi – ибтидо) – маълум бир соҳага оид муаммоларни хал қилишда ечишда ишлатиладиган жараёнлар тизимининг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ дастури
Семиотика –	белгилар ҳақидаги фан. Адабиётдаги семиотика бу адабиётнинг барча унсурларини майда деталларигача таҳлил қилиш, умумий ва хос томонларини аниқлаш
Типология	генетик жиҳатдан ўзаро боғланмаган, тили, тарихи, маданияти тамомила фарқ қиладиган халқлар адабиётида муштарак жиҳатларни аниқлашга ёрдам берадиган тушунча ҳисобланади.
Қиёслаш типологияси	- умумий хусусиятларига кўра (битта тил оиласига киришига кўра, жанрга кўра, этник хусусиятларига кўра) у ёки бу адабиёт намуналарининг қиёсланиши.

VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Антонов А.В. Системный анализ. – М.2002.
2. Бендерская Е.Н., Колесников Д.Н., Пахомова В.И. и др. Системный анализ и принятие решений // Учебное пособие. - СПб.: СПб ГТУ, 2001. - 206 с.
3. Бегимкулов У.Ш. Единое информационное пространство высших педагогических образовательных учреждений Республики Узбекистан // Ж. Преподаватель XXI век. – Москва, 2007. – № 2. – С. 52-55.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим муассасасининг ахборот мухитини бошқариш тизими // Ж. Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2007. – № 2. –Б. 3-8.
5. Вертакова Ю.В. Упрпаваленческие решения, разработка и выбор. М.КНОРУС.2005.
6. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.: СПб ГТУ, 2003. - 510 с.
7. Вопросы анализа и процедуры принятия решений: Сб. статей / Пер. с англ, под ред. И.Ф. Шахнова. - М.: МИР, 1976. - 228 с.
8. Игнатьева А. В., Максимцов М. М. Исследование систем управления: Учеб. пособ. для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
9. Илмий тадқиқот методологияси. – Т., 2014.
10. Кини Р., Райфа Х. Принятие решений при многих критериях. Предпочтения и замещения. - М.: Радио и связь, 1976. -650 с.
11. Клиланд Д., Кинг В. Системный анализ и целевое управление. –

М., 1974.

12. Кокарева Т. А. Системный анализ процедур принятия управленческих решений. – М.: Лес. пром-сть, 1991.

13. Новосельцев В.И. Системный анализ: современные концепции. – Воронеж: «Кварта», 2002.

14. Исмоилов М. Тизимли таҳлил асослари // Маърузалар матни, Тошкент ислом университети, 2010

15. Алимжонова Ж.И. “Илмий тадқиқот методологияси” фанидан маъруза матни (ТКТИ), 2010.

22. Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон. 23-30 – бетлар.

23. Самаров Р., Муротова Д. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказишда тизимли ёндашувдан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари // Илм сарчашмалари Урганч давлат университети илмий-услубий журнали № 7, 2013.

24. Системный анализ и принятий решений // Словарь справочник. – М.Высшая школа, 2004.

25. Системный анализ и аналитические исследования: руководство для профессиональных аналитиков / А.И. Ракитов, Д.А. Бондяев, И.Б. Романов С.В.

27. Системный подход: анализ и прогнозирование международных отношений (опыт прикладных исследований) // Под. ред. И.Г.Тюлина. – М., 1991.

30. Эсанбобоев Ф., Қуронов М., Бегимқулов У. Маънавий- ахлоқий тарбияда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш // Методик қўлланма. – Тошкент, 2011.